



ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДАГИ АЙРИМ ЎХШАТИШЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

*Убайдуллоева Маржона Собировна,
Бухоро давлат университети талабаси*

Аннотация. Мақолада жаҳид адабиётининг йирик вакилларида бири Абдулҳамид Чўлпон шеърий асарларидаги айрим ўхшатишлар лексик-семантик ва лингвопоэтик аспектда таҳлил этилган, мавзуй гуруҳлар бўйича таснифланган, уларнинг адиб асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланганлиги қисман асосланган ҳамда шоирнинг ташбиҳ санъатини яратишдаги бадиий маҳорати очиб берилган.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, ўхшатиш, аналогия, ўхшатиш воситаси, ташбиҳ, маданият, кўмакчи, -дек, сингари, каби, -дай.

Ўхшатишлар бадиий адабиётда шоир ёки ёзувчи учун предмет, ҳодиса ва тушунчаларни аниқ, тушунарли, таъсирли тарзда ифодалашда энг муҳим мантиқий усуллардан бири бўлиб хизмат қилади. Барча маҳоратли ижодкорлар асарларида бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратишга ҳаракат қилади. Улар билдики, ташбиҳлар қанчалик оҳорли ва янги бўлса, асар шу қадар юксак қийматга эга бўлади. Маҳорат билан ифодаланган ўхшатишлар ўқувчини ўзига ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолатларни китобхон кўз ўнгида яққол гавдалантиради. Мисол:

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,

Нега сенинг бошингда қуюқ булут кўланка.

Учмоқларнинг кавсаридек покиза,

Садафларнинг донасидек топ-тоза.

Чўлпон шеъриятидаги машҳур шеърлардан бири — “Бузилган ўлка». Шоир шеърнинг илк бандида "кавсаридек" ва "донасидек" каби ўхшатишларни қўллаган. Шеърда ўлканинг тоғлари баланд эканлиги, шунинг учун кўкларга салом бераётганлиги айтиб ўтилган. Кейинги қаторда эса нега сени бошингда булут соялари бор деб сўрамоқда. Ундан сўнг эса кавсардек покиза, тоза деб ўхшатмоқда. Ислом дини эътиқотида кавсар ғаройиб дарё номи бўлиб, унда сув сероб ва тоза бўлади. Садаф донасидек тоза деб мазкур қаторда ҳам жуда чиройли ўхшатишни қўллаган. Чўлпон мазкур шеърининг илк бандида кетма-кет ўхшатишларни қўллаган:



Салкин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,
Томчилари ёмғир каби тушаркан.
Нима учун йиғлар каби инграйди.
Ёв борми деб тўрт тарафни тинглайди.

Шеърда *каби* кўмакчи орқали юзага келган ўхшатишлар кўпчиликни ташкил этади. Мазкур бандда шоир тоғ томчиларини ёмғирга ўхшатади. Сувларнинг тоғдан пастга тушиши ва бу сувлар жуда салқин бўлиши назарда тутилган. Тоғлардан тушадиган томчилар ёмғирга ўхшаб доналаб тушади. Шу томчилар худдики, йиғлагандек майда бўлади. Майда томчилардан йиғлагандек овоз чиқади. Кейин эса шу овоздан ёв келяптими, деб ҳамма тарафни тинглайди.

Сенинг қаттиқ сир бағрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳақи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар.

Англашиладики, ушбу шеърий бандда ўлка ерлари қулга ўхшатишмоқда. Шеър мазмунидан англашиладики, ўлка ерларини кўп йиллар давомида босқинчилар эзганлар. Шоир фикрича, бу ўлканинг тупроғига шу юрт халқидан ташқари бошқа ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бегоналар ўлкани қулга ўхшаб янчадилар. Бу юрт ўзларининг юртлари эмаслиги учун шундай қиладилар. Ҳеч бир инсон ўз юртини бундай қилмайди, аҳолисини қийнамайди. Балки, уларнинг тинчлигини ўйлайди.

Нима учун ёвларингни бир замон,
Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда.
Эй ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғзингни бўғиб турар кўланка.

Банд мазмунига кўра, шоир ўлкага мурожаат этиб, шундай дейди: ёвларни йўқ қилиш учун ўч ҳам йўқ сенда, сен учун ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ. Бу ўлка шундай ҳур ўлкаки, у ҳар қандай босқинчиларни сиғдирмайди, фақат ўз аҳолиси тинчлигини ўйлайди. Шоир фикрича, шу ўлкани бўғиб турар доим бир соя, юртини пароканда қилувчи қора куч соя ҳисобланади. Шу қора кучларни йўқ қилиш учун сенда ўч йўқ. Юртингни ўйла, унинг аҳолиси тинчлигини ўйла. Шуларни ўйлаган кишида юртини қутқариш ҳисси бўлади.

Кўз олдимда оқиб ўтган Зарафшон,
Ёш боладай эркалайдир ўйнайдир.
Ҳовлиқма ҳам бўлса ўзи кўп чаққон,



Унча - мунча тўсиқларни қўймайди .

Чўлпон шеъриятидаги яна бир ижод намуналаридан бири "Зарафшон" шеъридир. Шеърда "боладай" сўзи ўхшатишни юзага келтирган. Шеър ўз номи билан Зарафшон дарёси ҳақида эканлиги маълум. Шоирнинг шеърда келтиришича, кўз олдимдан оқиб ўтган Зарафшон ёш болага ўхшаб эркаланиб ўйнади. Шеърда дарёнинг тўлиб оқиши-ю, дарё ёққасига тўлқинларнинг урилиши ёш боладек деб таърифланмоқда.

Нега жимсан, нега жавоб бермайсан,

Нега кўзинг қизаринди, ёшланди.

Нега юзинг сомон каби сўлганди,

Нега сенда бир талваса бошланди.

Чўлпоннинг "Ёруғ юлдузга" деб номланувчи мазкур шеърида "каби" кўмакчиси ёрдамида ташбих бадий санъати юзага келтирилган. Шоир шеърнинг ҳар бир қаторида юлдузга савол беради. Шеърнинг учинчи қаторида юзнинг ранги сомонга ўхшатирилган. Шоир ўзи қизиқтирган саволларини юлдузга бериб, ундан жавоб олишга ҳаракат қилади. Ошиқ ёки ғамга ботган кишининг юзи сомон рангига ўхшатирилиши халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарида кўп кузатилади.

Қаландардек юриб дунёни кездим топмайин ёрни,

Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдимку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар,

Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдимку.

Шоирнинг "Қаландар ишқи" номли шеърида ошиқ йигит қаландарга ўхшатирилган. Шеър сарлавҳаси ва ўхшатишга олинган сўз бир хил. Қаландарга ўхшаб дунёни кездим, лекин бир вафоли ёр топмадим, дейди шоир.

Тентақлардек, борар йўлин билолмай,

Унда-бунда ўзни урган душманлар.

Кенг юракда тура олмай, сиғолмай,

Тошиб кетган йўқсилдаги имондир.

Шоирнинг "Кураш" номли ушбу шеърида душман тентақ кишига ўхшатирилган. Чунки тентақ, иймонсиз, худбин киши жамият ривожини учун катта тўсиқ бўлиб туради, ундай кишилар душман қаторида туради. Чўлпоннинг бу шеъри кишини курашишга, таслим бўмасликка чорлайди.

Томирларим олов каби қайнағай,

Қонларини кечмишлардан олмишлар.

Билагимда ирғиб, чопиб ўйнаган,



Унутма, ким оёқларинг толмишлар.

"Юрт йўли" шеъридан олинган ушбу шеърий парчада лирик қаҳрамоннинг томирлари қайнаган оловга ўхшатишган. Шоир мазкур шеърида ўзбек халқининг узок ўтмишини тилга олади, унинг шарафли йўлига назар солади. Аниқроқ қилиб айтганда, шоир аجدодлар томиридаги қайнаб турган қонни оловга қиёс этади. Бу билан Чўлпон ўзбек халқининг аждодлари мардликда алоҳида ўрин эгаллашини далиллашга ҳаракат қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида ташбих бадий санъатини юксак даражада тараққий эттирганлардан бири Чўлпондир. Унинг шеърий асарларида мазкур бадий санъат миқдори жуда кўп бўлиб, улар шоир асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланган. Чўлпон бадий асарларида ижтимоий, маданий-маънавий, диний, адабий-бадий соҳалар билан алоқадор ўхшатишлар қўлланган бўлиб, улар ўзбек халқининг турмуш тарзида кўп учрайдиган предмет ва воқеа-ҳодисалар ҳамда онгига чуқур сингган тушунчалар ҳисобланади. Шоир турли-туман, ноанъанавий, ўз даври учун янги ўхшатишлар яратиш, ташбих бадий санъатини юксак даражада ривожлантирди. У юксак даражадаги асарлари билан нафақат ўзбек тили ва адабиётини, балки ўзбек маданияти ҳамда жаҳон ижтимоий, бадий-эстетик тафаккурини ҳам тараққий эттирди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. -Тошкент: Зарқалам, 2006.
2. Маҳмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. -320 б.
3. Маҳмудов Н. Ойбек насрида ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: 1985. -№ 6 (12). –Б. 48-50.
4. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. -791-б.
5. Чўлпон. Яна олдим созимни. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. -569 б.
6. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. -Тошкент: Шарқ, 1998. -160 б.